



Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш
ходимлари касаба уюшмаси
Республика кенгашининг раиси
Ф.Р. Хананияевга.

Бухоро вилоят илмий тиббиёт
кутубхонасида ишловчилар

Асадова Нафосат Низомидинова
Мирзаева Феруза Аминжановна
Фозилова Райхон Қаххоровна
Насриллаева Мухтарама Бахшиллаевна
Камолова Шахноза Ходжисвна
Камолова Шахло Ходжиевна
Тошева Дилдора Абдувалиевна
Шарипова Насиба Бобировна

Назарова Илодия Хамидовналар томонидан

Ташаккурнома!

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2023-йил 30-январдаги 9-18“с”-сонли қарорининг 4-илоvasи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши касаба уюшма хизматидаги корхона, муассаса, ташкилотларда меҳнат тўғрисида”ги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳамда Тармоқ келишуви ва жамоа шартномалари бандлари бажарилиши юзасидан Республика Кенгаши Меҳнат инспекциясининг Бухоро вилояти бўйича меҳнат-техник инспекторининг 2023 йилдаги ўрганиш режасига асосан Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли вилоят илмий тиббиёт кутубхонасида жамоатчилик назорати тартибида ўрганиш ишлари олиб борилиб, 9 нафар ходимларимизга қўшимча меҳнат таътиллари учун тўловлар тўлаб берилмаганлиги аниқланди. Ушбу муаммонинг ечимини топиш мақсадида директоримизга ёзма қўрсатма киритилди. ШЗ навбатида директор томонидан буйруқ ишлаб чиқарилиб, бошқарма ҳисобчисига тўлаш учун тақдим этилди.

Аммо, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бизларга тегишли бўлган 8357276,25 сўм миқдоридаги тўловларни тўлаб бермади. Шу сабабли меҳнат техник инспектори ФИБ суд буйруғини чиқариш бўйича ариза киритди. ФИБ Бухоро туманлараро судининг буйруғи чиқарилган бўлсада, бошқарма ҳисобчиси суд буйруғини ижро этмади. Натижада, Бухоро шаҳар МИБсининг ҳатти-ҳаракатлари билан 9 нафар ходимларимизга 8 357 276,25 сўм миқдоридаги тўловлар 2023 йилнинг 7-ноябрь кунида пластик карточкамизга тушириб берилди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, бизнинг муаммоларимизни ижобий ҳал қилиб берганингиз учун Сиз ва сизнинг ҳамкасбларингизга ўз миннатдорчилигимизни билдириб, келаётган байрам билан табриклаймиз.

08.11.2023-й.

Ҳурмат ва эҳтиром билан
бошланғич КУК раиси:



Хананияев *Тошева*